

Мазкур мавзуда фикр билдириш учун, аввало тарихчи Мирзо Мухаммад Хайдарнинг асарида Хумоюн хакида келтирилган таърифга мурожаат этган маъкул. Чунки хар бир шоирнинг асари, албатта, ёки бу даражада унинг шахсияти - феъл-атвори-ю инсони фазилатларини ўзида акс эттирувчи ойна хамдир.

“Тарихи Рашидий”да: “ Мен бу зотга ўхшаш тугма кобилият в саховат сохибини кам учратганман. Бирок у ўз кўл остида хизма килган Мавлоно Мухаммад Фаргоний ва шу каби кишилар билан тез-тез учрашиб, улардан баъзи номуносиб одатларни хам ўрганди. Лекин у шунга карамай ажойиб хислатларга бой, очиккўл, мард ва мохир саркарда бўлиб, тантана ва дабдабаларга кўнгли мойил хокими мутлак эди” - дейилади.

Чунончи, бошка бир хинд манбасида келтирилишича, Хумоюн илм-фанни кадрловчи ва айникса адабиётни севгувчи киши бўлган. У хатто ер ва коинотга доир илмлар билан кизикиб, расадхона куриш ишлари билан хам шугулланганлиги айтилади.

Шоир сифатида эса, адабий фаолияти тазкиралар оркали етиб келган шеърий намуналардан аён. У туркий ва форсийда баробар чукур эхтирос ва нозик дид билан калам тебратган.

Адабиётшунослар унинг туркийдаги ижоди ва девон тузганлиги хусусида фикрлар билдирганлар. Масалан, хинд олими М.А.Гани

«Хумоюннинг туркийни у қадар назар-писанд килмаганлиги туфайли тил адабий давраларда тезда ўрнини йўкота бошлаган»лигини доир девонида бирорта хам туркий мисра учрамаслиги билан таъкидлайди.

Вахоланки, ижодкорнинг ўз она тилига “беписанд” муносабати хакидаги фикр муглако асоссиз бўлиб, Хасанхожа Нисорийнинг “Музаққири ахбоб” тазкирасида: “Бу туркий матлаъ хам подшоҳнинг олий маколотидадур:

Менки булбуддек гуледин куймишам оханг ила,
Ўт солибтур жонима рухсорая гулранг ила.

Унинг бадииятида Бобур руҳини сезиш кийин эмас. Зеро, отаси насихат этганидек: “...равшан ва пок алфоз била”, “сўзнинг яхшиси -кискаси ва далиллисидур” асосида шеър битганлигини, юкорида зикр этилган матлаъ мазмунида кўриш мумкин. Сабаб адиб бор-йўги бир байтнинг ўзида наср йўли билан хатго бир-неча сатрга сигдириш нушкул бўлган кичик, лекин тугал маъноли “хикоя” баёнини жойлашга муваффақ бўлган.

Содик Китобдорнинг “Мажмаъ ул-хаввас” номли тазкирасида Хумоюннинг куйидаги рубойиси ўз даврида ниҳоятда кенг таркалиб машхур бўлганлиги таъкидланади.

Ёариблиг гамидин меҳнату малолим бор,

Бу гамдин ўлмакка етдум гариб холим бор.
Висоли давлатдин айрилубмен махзун,
Тирикмен ва бу тирикликдин инфилолим бор.

Тазкира муаллифнинг маълумотидан шундай савол пайдо бўладики, “бу тўрт мисра нима сабабдан ёки қай жихати билан ўз даврида шухрат топган экан?” ва х.к. Бизнингча, ушбу тўртлик мазмунини обдон тагига етиб, сўнг ёзилишига эътибор қилиш лозим. Рубоий шоир-хукмдорнинг қувгунлик. йиллари гарибликда тортган азоб-укубатларининг поэтик аксидир. Колаверса, Навоий ва Бобурнинг “гариблик гурбати” мавзуидаги рубоийларига яқин Ҳамоҳанглик сезилиб туради. Тўгри, ҳали бу ижодкорнинг туркий шеърятдаги иқтидори юзасидан тўлақонли фикр юртиш учун манбалар етарли эмас. Лекин шоирнинг мазкур рубоийда қўлланилган оригинал бир ифода услубининг ўз ўрнида ишлатила билгани - “ўлмакка етган гариблик холидан инфилолим борлиги”, яъни шу аҳвода “тирикликдан хижолат чекаётганлиги” каби инкор этиб бўлмас бадий воситанинг ўзи Хумоюннинг туркийда Девон тузишга иқтидори ета оладиган шоир бўлганидан далолатдир. Бу девонни излаб топишга умид тугдиради.

Шуни таъкидлаш керакки, хинд қўлёзма ганжиналари туркий тилдаги манбалар хусусида, таъбир жоиз бўлса, ҳамон бамисоли қўзи очилмаган бир булоқдир. Зотан, Хиндистонда Буюк Бобурийлар давлатининг барпо бўлиши арафаси ва ундан муқаддам даврларга мансуб туркий қўлёзма асарлар рўйхати йилдан-йилга кенгайиб, уни то XIX асрнинг бошларига қадар етиб келганлиги фактдир. Бу тахлит янги тавсифлар адади ошиб бормоқда. Бинобарин, девон ва баёзлар каторида бу диёрда туркий тилни ўрганиш учун тузилган туркий форсий ва форсий-туркий лугатларнинг мажмуи топилганлиги ҳам шулар жумласидандир.

Нажмиддин Низомиддинов